Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 10 декабрь, шанба | №180 (21.755) | Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 декабрь куни Россия Федерациясининг чегара қўшинлари бош қўмондони генерал-полковник Андрей Николаевни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг жанубий чегараларини биргаликда қўриқлаш масалалари, шунингдек, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазият муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ СУДИ — 70 ЁШДА

9 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил топганлигининг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг республика Олий суди ходимларига йўллаган табрикномасини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси У. Мингбоев Олий суднинг 70 йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакатимизда қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда одил судловни таъминлашда Олий суд судъяларининг масъулияти катта экани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ кўп йиллик ҳалол меҳнатлари, республикада қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун Олий суднинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳи "Шуҳрат" медали, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвонлари ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган эди. Йиғилишда Ватаннинг ана шу мукофотларини тантанали топшириш маросими бўлди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов топширди. У Олий суд ходимларини юбилей ҳамда юксак мукофотлар билан самимий табриклади.

Адолат посбонлари — Олий суд ходимларини республика вазирликлари ва идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари, шунингдек, Россия Федерацияси, Украина, Озарбойжон, Тожикистон, Қозоғистон делегацияларининг вакиллари қизғин муборакбод этдилар, ўз ҳамкасбларини бундан кейин ҳам жамиятимизда қонун устиворлигини таъмин этишдек мураккаб, масъулиятли, шарафли ишларида зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУР

9 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов раислигида республика Вазирлар Маҳкамаси давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда халқ истеъмоли моллари, савдо ва пуллик хизмат мажмуаларининг қўшма мажлиси бўлди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ва корхоналарнинг раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари иштирок этишди. "Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур ва Яккасарой туманларининг тажрибаси асосида хусусийлаштирилган савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини кичрайтириш чоралари тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди.

"Ўзмаишийуюшма" ва "Ўзбексавдо" корхоналарида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичини бажаришга доир тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидлаб ўтилди. Бироқ, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш бу иш ҳали кутилган натижани бермаганини кўрсатди. Ўртага қўйилган вазифалар тўла-тўкис бажарилиши таъминланмаган. Илгари мавжуд бўлган трестлар, озиқ-овқат савдоси, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари ва бошқа давлат тузилмалари негизида барпо этилган акционерлик жамиятлари ва жамоа корхоналари истеъмол бозорини моллар ва хизматлар билан тўлдиришга, рақобатни ривожлантиришга, бозор муносабатларини ўрнатишга кўмаклаша олмади. Мажлисда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида, хусусан Шайхонтоҳур ва Яккасарой туманлари бўйича монополия тузилмаларини кичрайтиришга доир илгари қабул қилинган дастурларни бажаришда нуқсонлар мавжудлигидан далолат берувчи аниқ далиллар келтириб ўтилди.

Мажлисда ютуқлар батафсил ўрганилиб, ислоҳотларни жадал ўтказишни таъминлашга қаратилган бу ишни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар аниқланди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари М. Усмонов, В. Чжен иштирок этдилар.

(ЎзА).

МУЛК ЭГАСИНИ ТОПДИ

Термизда вилоят кўчмас мулк биржасининг навбатдаги кимошди савдоси бўлиб ўтди. Унда Термиз шаҳридаги ресторан, қандолатчилик цехи, Бойсун шаҳридаги меҳмонхона ва савдо дўконлари сотилди.

Сурхондарё вилоятида кўчмас мулк савдоси кейинги пайтларда ривожланиб бормоқда. Хусусан, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси билан Американинг "Прайс Уолтер Ҳаус" фирмаси ҳамкорликда ўтказаётган кўчмас мулк савдоси яхши натижа бермоқда. Яқинда бу ерда Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари хусусийлаштириш хизмати ходимларининг, туман ва шаҳар ҳокимлари муовинларининг икки кунлик минтақавий семинар-кенгаши ўтказилди. Семинар-кенгашда кўчмас мулк савдоси борасида орттирилган тажриба, 1994 йилда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг минтақавий дастури қандай бажарилаётгани таҳлил этилди.

(ЎзА).

САЙЛОВЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Сирдарё вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашлар учун бўлажак сайловларга тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов бошқарди.

Шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари иштирок этган бу йиғилишда сайловларга тайёргарлик бўйича вилоятда шу кунга қадар қилинган ишлар чуқур таҳлил қилинди, йўл қўйилган камчиликлар айтиб ўтилди. Йиғилишда сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин паллага киргани таъкидланди. Тарғибот ва ташвиқот ишларига қонунчиликка қатъий риоя этилган ҳолда ёндошиш, номзодлар билан учрашувларни юқори даражада ташкил этиш каби масалалар муҳокама қилинди ва зарур тадбирлар белгиланди.

(ЎзА).

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ НОБУД БЎЛМАСИН

Республика Президентининг ғалла экинлари нобудгарчилигининг олдини олиш, уларнинг сақланишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг назоратсиз қолиб, пайҳон қилинишига йўл қўймаслик мақсадида 1994 йил 21 ноябрда чиқарган Фармони мустақил республикамизнинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш борасида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур Фармоннинг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига экинзорларни пайҳон қилишнинг олдини олиш борасида зарур чора-тадбирлар белгилаш, хусусан, махсус портлар ташкил этиш, амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда бузғунчиларга нисбатан кескин чоралар кўриш, экинзор пайҳон қилинган ҳар бир ҳол юзасидан биронта ҳам айбдорнинг жазосиз қолмаслигига эришиш кўрсатилган бўлса, Фармоннинг 6- ва 7-бандларида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси зиммасига экинзорларни сақлашни таъминлашга қаратилган қонунчиликнинг бажарилиши юзасидан назоратни кучайтириш ва ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси юкланган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларига мазкур фармон ижроси бўйича назоратни кучайтириш, экинлар пайҳон қилинишининг олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўриш, айбдорларни моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш, аниқланган зарарларнинг тўлиқ ундирилишини таъминлаш, узлуксиз текширишлар ўтказилишини назорат қилиш ҳақида махсус топшириқ берган. Жойларда прокурорлар бу борада фаол ҳаракат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, асосий эътибор фармон ижросининг қонун асосида бажарилиши ва бу жараёнда бирон бир қонунга зид хатти-ҳаракатлар содир бўлишига йўл қўймаслик ҳамда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг камситилмаслигига қаратилган.

Амалдаги қонунчиликда юқорида зикр этилган қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган айбдорларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 109-моддаси тартибида — маъмурий, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунининг 182-моддаси тартибида — жиноий жавобгарлик белгиланган. Фармондан келиб чиқиб, шу кунларда ушбу қонун талабларини бузган фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан белгиланган тартибда кескин чоралар қўлланилмоқда.

Республика прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари бу борада бир қанча тадбирларни амалга ошираётир. Фармон ижроси бўйича эътиборсизликка йўл қўяётган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрилмоқда. Аниқланган камчиликларга барҳам бериш ва қонунбузарликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан зудлик билан кескин таъсир чоралари кўриш борасида мансабдор шахсларнинг ўрни муҳим эканига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтказилган текширишлар натижасида республикада 163 гектардан ортиқ майдондаги қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида 30, Сирдарё вилоятида 29, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 34, Андижон вилоятида 18, Фарғона вилоятида 15 ва Бухоро вилоятида 10 гектар ердаги экинга зарар етказилган.

Ушбу майдонлардаги экинзорларни қаровсиз қолдирилган 1657 қорамол ва 1422 қўй-эчки нобуд қилгани аниқланиб, айбдорларга нисбатан 1122 та маъмурий иш қўзғатилди. Уларга 69660 сўм миқдорида маъмурий жарима солинди. Шунингдек, етказилган 45116 сўмлик моддий зарарни ундириш учун судларга 33 та даъво аризалари киритилди. 35 нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилиб, 5 та ҳолат бўйича қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш ҳақида амрнома берилди. Бундай ҳолатларни келтириб чиқарадиган сабаб ва шароитларга барҳам бериш тўғрисида ҳокимлик ва хўжалик раҳбарларига бир қанча тақдимномалар киритилди.

Қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон ва нобуд қилиш оқибатида 212 минг сўмдан ортиқ миқдорда катта моддий зарар етказилган 12 та ҳолат бўйича эса жиноят иши қўзғатилди ва айбдорларга нисбатан тергов ҳаракатлари бошланди. Хусусан, Андижон вилояти Булоқбоши тумани Улуғбек номидаги жамоа хўжалигининг 13 гектар майдонида фуқаро А. Мирзаев ўзига қарашли 150 бош қўйни боқиб, буғдойзорни пайҳон қилгани оқибатида 68 минг сўмдан ортиқ моддий зарар етказилгани юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

1994 йил 26 ноябрь куни Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Бобур номидаги жамоа хўжалиги чўпони Б. Тошев 500 бош қўйни Улуғбек жамоа хўжалиги ғалла майдонида боқиб, 1,5 гектар ердаги экиннинг пайҳон қилинишига йўл қўйган. Оқибатда хўжаликка 18 минг сўмлик моддий зарар етказилган. Ушбу ҳодиса юзасидан ҳам туман прокуратураси жиноий иш қўзғаб, тергов ҳаракатлари бошланди.

Тошкент вилоятининг Бўка, Қуйичирчиқ, Фарғона вилоятининг Данғара ва Сурхондарё вилоятининг Музрабод туманларида ҳам шу каби қонун бузилиши оқибатида катта миқдорда моддий зарар етказилган ҳолатлар аниқланиб, айбдорларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Бўка туманидаги "Ачамайли" жамоа хўжалиги бригадири Х. Панжиев хўжасизликка йўл қўйиб, 16 гектар буғдойзорни чорва моллари пайҳон қилиши натижасида 5393 сўмлик моддий зарар етказилган. Ушбу ҳодиса юзасидан Х. Панжиевга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ўтказилмоқда.

Шуниси ачинарлики, текширишларда баъзи мутасадди раҳбарларнинг ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз хизмат вазифаларидан жиноятқорона фойдаланиб, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини талон-торож ва ўзлаштиришларга йўл қўяётгани ҳам аниқланмоқда. Масалан, Бухоро вилояти Пешку туманидаги "Боғимусо" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А. Ҳакимов 45610 килограмм ёки 10420 сўмлик амалда етиштирилмаган арпани гўё Бухоро дон маҳсулотлари корхонасига топширилгани, бунинг эвазига 15493 сўмлик 50460 килограмм омухта ем олиниб, хўжалик чорвасига берилгани ҳақида сохта ҳужжат расмийлаштириб, ўзлаштиргани аниқланди ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирги вақтда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Бу каби қонунбузарлик ҳолатлари вилоятнинг Ғиждувон туманида ҳам аниқланди ва айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилди.

Жойлардаги прокуратура органлари Президент фармонининг ижроси юзасидан назоратни янада кучайтириш, экинлар пайҳон қилинишининг олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирларни кўриш, айбдорларни моддий, маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиш, етказилган зарарларни тўлиқ ундириш ва узлуксиз текширишлар ўтказиш борасида амалга ошираётган ишлари республика Прокуратураси раҳбариятининг диққат марказида турибди. Бу борадаги ишларни қонун асосида ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар бериш билан бирга назорат ишлари кучайтирилмоқда.

(ЎзА).

Обуна — 95

ОБУНАЧИЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

ХДП Оқолтин тумани кенгаши биринчи котибининг хонаси одамлар билан гавжум. Бошланғич ташкилот котиблари, жамоатчиларнинг бири келиб, бири кетиб турибди. Ўзаро суҳбат ва мулоқотларнинг бош мавзуи — бўлажак сайловлар ва обуна.

— Туманимиздаги деярлик барча хўжаликларда обуна ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда, — дейди ХДП туман кенгашининг биринчи котиби Норбой Жойноқов. — Қатор хўжаликларда газета ва журналларга обуна қилиш бўйича белгиланган режалар бажарилай деб қолди.

Ҳақиқатан ҳам, олинаётган кундалик маълумотларда Оқолтин тумани Сирдарё вилоятида пешқадамлик қилмоқда. Жумладан, сўнгги маълумотларга кўра, "Ўзбекистон овози" газетаси обуначиларининг сони 700 кишига етиб қолди. Шунингдек, "Халқ сўзи", "Сирдарё ҳақиқати" ва бошқа газеталарга ҳам обуна уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу борада тумандаги Усмон Носир номли, Бобур номли, Сардоба, Р. Мусамуҳамедов номли хўжаликларнинг партия ташкилотлари самарали иш олиб бормоқдалар.

Кўпчилик хўжаликларда обуначиларга ёрдам тариқасида бу тадбир хўжаликлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Қадрли муштарийлар!

Ҳозир республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетаси учун 1995 йилга обуна давом этяпти.

Сиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасида республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги янгиликлар, бутун жаҳонда бўлаётган воқеалар, шунингдек, турли рукнлар остида барча соҳаларга, сиёсий партиялар фаолиятларига тегишли маълумотлар билан танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилади. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, унга ОБУНА БЎЛИНГ!

Билиб қўйинг, бизнинг газетамиз обуна баҳоси республика етакчи рўзномалари орасида энг арзонидир.

Фуқаролар учун:
бир йилга — 252 сўм,
олти ойга — 126 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 528 сўм,
олти ойга — 264 сўм.

Обуна — 95

ИМТИЁЗ ЯРАТИЛДИ

Чироқчида республика газета ва журналларига обуна уюшқоқлик билан ўтказиляпти. Айниқса, чироқчиликларнинг севимли газетаси "Ўзбекистон овози"га обуна бўлаётганлар кун сайин ортмоқда. Яқинда бизнинг жамоамизда ҳалол меҳнати туфайли кўпчилик ҳурматига сазовор бўлган 12 киши "Ўзбекистон овози"га бепул обуна қилинди.

Санобар ТЕМИРОВА,
ЎзХДП Чироқчи тумани алоқа узели бошланғич ташкилоти котиби.

Шу кунниНг НАФАСИ

Янгиликлар воқеалар хабарлар

Ғамхўрлик

ОТАХОНЛАР ДУО ҚИЛИШДИ

ТОШКЕНТ (жамоатчи мухбиримиздан). "Янгиариқ" маҳалласида ўзига хос тантана бўлиб ўтди.

Йиғилишга уруш иштирокчилари ҳамда фронт ортида меҳнат қилган кексалар тўпланишди. Унда ХДП Юнусобод тумани кенгаши биринчи котиби М. Усмонов, туман фахрийлар кенгаши раиси Н. Абдураҳмонов ҳамда маҳалла фаоли А. Ғуломмаҳмудов қатнашди. Маҳалла оқсоқоллар комитети раиси Кабир Комилов, Ўзбекистон халқ депутати А. Ғуломмаҳмудов сўзлаб, маҳалладошларнинг жангда кўрсатган жасорати ҳақида ҳикоя қилишди.

Уруш қатнашчиларидан бир гуруҳига "Жасорат" медали топширилиб, тегишли пул мукофоти тақдим этилди. Отахонлар юртбошимизнинг кексаларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, истиқлол юртимиздаги барқарорлик учун мамнуният изҳор этиб, дуолар қилишди.

Абдуфаттоқ НАБИХЎЖАЕВ.

Мулкдорлик

"БАҲРИ"НИНГ ИБРАТИ

НАВОИЙ (мухбиримиздан). Нурота туманидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш идораси — "Баҳри" хусусий фирмага айлантирилгач, ишлар юришиб кетди.

Фирма директори Баҳриддин Нуриддиновнинг тадбиркорлиги туфайли бу ерда дурадгорлик, тикувчилик ва мармарни қайта ишлаш цехлари вужудга келтирилди. Айниқса, Нурота мармарига сайқал берилаётгани эътиборни тортмоқда. Кунига 200-250 квадрат метр ҳажмда мармар плиталар тайёрланмоқда.

Бундай маҳсулотларга талаб катта. Ҳатто хорижий харидорлар ҳам қизиқмоқдалар. Шу боис мармар цехини кичик заводга айлантириш мўлжалланмоқда. Бу тадбир амалга оширилгач мармар плиталар ишлаб чиқариш кунига 450-500 квадрат метрга етади.

Музаффар ШАРОПОВ.

Кулайлик

ТЕЛЕФОНДА МАСЛАҲАТ

СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Жарқўрғон тумани солиқ назорати бошқармаси фуқаролар билан ҳамкорликни яхшилаш мақсадида "Ишонч" телефон хизматини йўлга қўйди.

Энди одамлар 22-289 телефон рақамини териб солиқ бўйича қоида ва қонунларга таалуқли саволларга жавоб олишлари мумкин.

Олимжон УСАНОВ.

Ишбилармонлик

ТАРМОҚЛАР ТАЪМИРЛАНДИ

ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Аҳмад Соатов номли Жиззах пайпоқ тўқув фабрикаси ишчилари аёзли кунларда яйраб меҳнат қиладиган бўлишди.

Фабрикада меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун иситиш тармоқлари вақтида таъмирлаб қўйилган. Бунинг учун 100 минг сўм сарфланди. 3 та қозонхона ва хоналарга узлуксиз иссиқ ҳаво бериб турадиган узатиш тизими синовдан яхши ўтди. Цехлар, дам олиш хоналари, овқатланиш шаҳобчалари бир маромда иситилади. Корхонада 1100 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. 25 хил маҳсулот тайёрланмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Кўрик-танлов

СОВРИНДОР МАҲАЛЛА

САМАРҚАНД (жамоатчи мухбиримиздан). Шаҳар ҳокимлигининг маҳаллалар ўртасида ўтказган кўрик-танловида Сиёб туманидаги "Пулимирзо" маҳалласи ғолиб деб топилган эди.

Бу маҳаллада ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари намунали йўлга қўйилган. Маданий-маиший хизматдан кўпчилик мамнун. Анъаналар тикланмоқда. Қонунбузарликка йўл қўйилмаяпти. Ғолиб маҳаллани муборакбод этишга бағишланган йиғилишда шаҳар ҳокимлигининг диплом ва пул мукофоти топширилди.

А. АЛМАТОВ.

Анъана

"МЕҲРЖОН" БАЙРАМИ

ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Вилоят болалар ва ўсмирлар ижодкорлик марказида "Меҳржон" олтин куз байрами ўтказилди.

Қарши шаҳрининг мактабларидан кўплаб ўқувчилар келишди. Ўзига хос айёмнинг кўрик-танлов тарзида ўтказилиши кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Хусусан, "Ёш қаламкашлар", "Моҳир қўллар", "Эстетик тарбия ва амалий санъат" ҳамда "Техника ижодиёти" бўйича танлов қизғин ўтди.

Ғолиблар Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Илҳом КАРОМОВ.

1994 йил 25 декабрь якшанба— САЙЛОВЛАР куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Қурбон АМИРҚУЛОВ, 136-Бойсун сайлов округи

Қурбон Амирқуловнинг яшаши, иши Музработ туманида. Шу тумандаги дон маҳсулотлари комбинати директори.

Амирқуловни сурхондарёликлар республика Олий Кенгашининг фаоли сифатида яхши билишади. Тўғриси, бошқаларнинг яхши хизматларини камситмаган ҳолда айтмоқ керакки, кўплар бизнинг ҳам шунақа вакилимиз бўлса экан, деб ҳавас қилишади.

Музработда кейинги тўрт-беш йил ичида ҳавас қилса арзигулик ишларни қилди. Қаловини топиб комбинатнинг омборига 300 вагон катта-кичик қувур олиб келтирди. Бу қувурлар туман хонадонларининг олтмиш фойизини газлаштиришдан, ичимлик суви билан таъминлашдан ортиб қолди.

Амирқулов "чарчадим, толиқдим" деган гапни билмайди. Янги гап, янги ғоя, янги ташаббуслар билан чиқди. Касби — муҳандислик. Орзу қилган иши ҳам шу — бир хўжаликда муҳандис бўлиб ўзининг рационализаторлик ишлари билан кўпчиликнинг оғирини енгил қилиш эди.

У ҳамиша орзулар қанотида. Комбинатда 80 фойиз юмуш механизациялашган. Қайроқ дарёсининг сувини тоғдан лаҳм ўтказиб, шаҳарга ва "Бойсун" хўжалигига узатишдек ишнинг лойиҳаси тайёрланишига, шу хайрли ишнинг бошланишига ҳисса қўшди.

Улуғбек Тўлаганович АЮБОВ, 138-Бандихон сайлов округи

Улуғбек Аюбов ўз меҳнат фаолиятини 1976 йилда Тошкент вилоятининг ҳозирги Зангиота туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида бошлаган.

1982 йилда Тошкент давлат университетнинг ҳуқуқшунослик факультетини "аъло" баҳолар билан тугатди.

У. Аюбов 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига етакчи маслаҳатчи лавозимига ишга қабул қилинди. У қонунчилик бош бошқармасининг бўлим бошлиғи лавозимига кўтарилиб, унга "2-даражали адлия маслаҳатчиси" унвони берилди.

Унинг бу хислатлари вазирликнинг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш қонунчилиги бўлими бошлиғи вазифасидаги фаолияти даврида ҳам, Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтида ўқитувчилик қилган даврида ҳам, шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг "Ер ҳақида"ги Қонун лойиҳасини ҳамда республика ҳукуматининг мазкур Қонун бўйича қабул қилган норматив актларини тайёрлаш даврида ҳам яққол намоён бўлди.

Булардан ташқари, У. Аюбов бошлиқ бўлим ходимлари бу йил Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексини тайёрлашда ҳам фаол иштирок этдилар.

Шерзод ЕСЕНБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.

Хайринисо ҚИЛИЧЕВА, 139-Ангор сайлов округи

Хайринисо ҳамқишлоқларини ҳайратда қолдирган аёл. Унчалик ҳам ошириб қўйган ишлари, қаҳрамонлиги йўқ. Оддий. Одми. Фазилати, истеъдоди, қобилияти ярқ этиб кўзга ташланиб туради, деб сифат бериш ҳам мубоғаға бўлар.

Ўқитувчи бўлиб иш бошлаганда йигирма ёшда эди. Каттаю кичиккнинг, ҳатто биринчи синф ўқувчисининг ҳурматини жойига қўярди. "Сиз"лаб муомала қиларди. Қиш пайти юпунроқ кийиниб келганларни кўрса, ўзи совуққотаётгандай бўлиб, тинчини йўқотарди. Тўғриси, айрим болаларга яширинча кийим-бош олиб берганини ҳозирга қадар бировга билдирган эмас. Ўқитувчилик йиллари бундан-да хайрлироқ савоб юмушларга қўл урди. Ота-онасининг жанжалидан кўнгли зада бўлганларнинг кўзига қараб дардини илғаб оларди. Мавридини топиб, гаплашарди. Уйларига борарди. Лозим бўлса, қайта-қайта бориб, оила қўрғонининг дарз кетган ғиштини нурашдан сақлаб қоларди.

Болалар уни яхши кўриб қолишган. Болаларнинг назарига тушган одамни, билингки, катталар ҳам эътиборсиз қолдирмайди. Хайринисони қишлоқ шўросига ишга олдилар. Мактабда директор бўлиб ишлади. Олий Кенгаш депутатлигига сайланди. Мана бугун у Термиз туманидаги Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Иқтидори баланд, маърифатли, эл-юрт учун, одамлар учун бугун ва эрта нима иш қилса, наф кўпроқ тегишини биладиган аёл.



Жума АХАТОВ, 140-Музработ сайлов округи

Қишлоқда бригадирлик асли лавозим санапмайди. Шундан келиб чиқиб биз Музработ туманидаги Абдулла Набиев номли жамоа хўжалигининг пахтачилик бригадаси бошлиғини оддий деҳқон деб аташимиз мумкин.

Энди Аҳатов қайси сифат ва фазилатлари устивор бўлиб, 140-сайлов округидан Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзоди кўрсатилди, деган савол туғилиши табиий.

Дастлабки жавоблар бир мунча жўн: у бошқариб келаётган жамоа 15 йилдан буён пахта тайёрлаш режасини бажариб келади. Ўзи пахта устаси. Ташаббускор. Одамларга меҳрибон ва ҳоказо... Ҳатто, сайлов олдидан у ҳақда битилган тавсифномаларда шу гап. Хўжалик раиси У. Жўраев яхши гапни айтиб қолди: Жумабой ҳаётда нуқул яхшиликни илғайдиган, яхшиликни кўрадиган, яхши хизматлар йўлида бутун борлиғини аямайдиган инсон. Йиғин, гурунгларда кўпнинг тили учида турган гапларни топиб айтади, Унинг гапларини ташвиқот ёки одамлардан фикр билиш деб айтиб бўлмас. У қишлоқни обод, дастурхонини тўкин, одамларни аҳил, юртни фаровон этиш учун эртага нима қилишимиз лозимлигидан гапиради. Одамларни шу ишларни бажаришга сафарбар қила олади.

Ҳамро Эгамович ЭРМАТОВ, 141-Термиз сайлов округи

— Маърифат — жамиятнинг кўз қорачиғи,— дейди Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилояти кенгашининг биринчи котиби, фалсафа фанлари номзоди, 141-Термиз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатликка номзод Ҳамро Эгамович Эрматов.— Олий Мажлис мустақил давлатимизнинг янги типдаги, оқилона ўлчовлар билан фаолият юритадиган парламенти бўлади. Партиямизнинг йўли билан парламентга сайланадиган бўлажак депутатларнинг вазифаси асосан Олий Мажлисда қабул қилинадиган қонунлар орқали жамиятдаги демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, Сиёсий дастурдаги ижтимоий адолатнинг ҳамма соҳаларида барча аҳоли қатламларига қаратилган ғояларни қонунлар тилига ўгиришдир.

Иқтисодий ислоҳотларни тўлақонли амалга ошириш жамиятдан, шу жумладан, бу ишга астойдил бош қўшиб келаётган партиямиздан кўламни кенгроқ олиб, фаолият кўрсатишни тақозо қилади.

Мақсадимиз ривожланган демократик давлатни барпо этиш экан, фан ва техника тараққиётини энг юқори даражага кўтариш, бу катта ва салмоқли ишга ҳар бир фуқаронинг ростакам фидойилик, ростакам виждон билан бош қўшишини таъминловчи йўлларни очиш лозим деб биламан.

Қувондиқ Менгниёзович МАДАРТОВ, 142-Темирйўл сайлов округи



Жарроҳ, фан номзоди Қувондиқ Мадартовнинг фалсафаси оддий — адолат. Адолатли жарроҳнинг қўли енгил келиши ана шундан деб билади.

"Адолат нимадир?" деб берган саволимга ундан яна оддий жавоб эшитганман. Адолат — илмдир. Адолат — маърифатдир. Адолат — шукроналик ва қаноатдир. Ҳаммасидан ҳам кўра Қувондиқ яратганнинг бир марҳаматидан — меҳнатсеварлигидан шукур қилади. Ҳа, кимсан, темир йўлдан етмиш чақиримча узоқда — Сайхон дашти биёбонида чўпон бўлмиш Менгниёз чўпоннинг саркашгина, қайсаргина ўғли катта шаҳарларга асли бокс оламининг юлдузи бўлиш орзуси билан келган эди.

Боксчининг усулларидан оз-оздан ўргана бошлади. Менгниёз чўпон ўғли аспирант бўлиб ҳамки, таътил кунлари яйловга — уйига хуржун-хуржун китоб олиб келганига, лозим бўлганида эшак миниб отарга қарашганига, қариндош-уруғларига ғоят меҳрибонлигига ҳайрон қоларди. Вилоятда "Қувондиқнинг шифохонаси" деган ибора юради. Демак, бу Қувондиқ Мадартов бош врачлик қилаётган Термиз шаҳар касалхонаси, дегани.

Қурбон ТОШБОЛТАЕВ, 143-Жарқўрғон сайлов округи

Жарқўрғондаги "Оққўрғон" жамоа хўжалигининг раиси Қурбон Тошболтаев билан танишганимдан сўнг халқ орасида юрадиган "Йигитнинг бахти билан баҳслашмагил" деган нақл кўнгилдан ўтди. Билсангиз, камгап, камтар, ҳар қандай вазиятда овозини баланд қўйиб гапирмайдиган Тошболтаевнинг 14 йиллик раислик даврида хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида режалар дурустгина бажариб келиняпти. Бундан ҳам муҳими, қишлоқ обод бўлиб қолди: кўчалар асфалтланган, мактаблардаги машғулотлар бир сменага кўчирилган, 5 та болалар боғчаси ишлаб турибди. Хонадонларнинг 70 фоизи газлаштирилди.

Энди бу манзараларнинг ўзи Тошболтаевнинг бахтидан тўла ғуворлик беради десак, мантиққа тўғри бўлмас. Бахт нималиги ҳақида унинг ўзидан сўрасангиз, у 11 фарзанднинг соғ-саломат ўсаётганлигидан худога шукур қилади ва шундан сўнг элнинг осойишталиги, давлатнинг мустақиллиги, эртанги куннинг албатта яхши бўлиши ҳақида гапирганда қувонганидан кўзлари йилтираб кетади.

Файзи МАМАТМУРОДОВ, 144-Қумқўрғон сайлов округи

"Файзибой" десалар бас, Қумқўрғонда ҳамма гап Файзи Маматмуродов ҳақида эканлигини англайди-қўяди. Суриштириб кетсангиз Маматмуродов тумандаги унчалик ҳам йирик бўлмаган "Беш қаҳрамон" деган хўжаликнинг раиси. Раисга у бошқараётган хўжаликнинг ишларидан келиб чиқиб баҳо берадиган бўлсак...

Одамлар унинг ҳузурида эркин гапирадилар, ўйлаганларини тушунтира биладилар. Мабодо Маматмуродовдан рад жавобини олса ҳам унинг ҳузуридан ҳай, аттанг, деб чиқмайдилар. Шунинг учун ҳам Маматмуродов 2 минг гектарча суғориладиган ер билан нафақат хўжаликнинг 25 минглик аҳолисини, балки шаҳарни ҳам овунтириб ўтирибди, деб гапирадилар. Бу гапларнинг тўғрилигини расмий қозоғлардан олинган маълумотлар билан мустаҳкамлаш мумкин: дон етиштиришни хўжалик кейинги тўрт йилда уч баравар кўпайтирди. 300 гектарлик боғ яратилди. 500 гектар янги ер ўзлаштирдилар. Бир йилда 8 километрлик газ қувури тортилди. Ғишт заводи ишга туширилди. Бошқа майда корхоналар, цехлар ишлаб турибди.

Материалларни "Ўзбекистон овози" махсус муҳбирлари Олимжон УСАНОВ ва Абдулла ПЎЛАТОВ тайёрлашди.

Эркин Норматович АЪЗАМОВ, 145-Шўрчи сайлов округи



Адабиёт ёрқин истеъдод ва фидойи ижодкорлар асарлари билан нафас олади, ривож топиб боради. Устоз Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, "адабиётга ёниб кириб келган" иқтидорли адиблардан бири Эркин Аъзамовдир. У дастлабки ҳикоялари билан ўз услуби, ўз ижод йўли борлигини намоён этди. Эркин аканинг илк китоби — "Чироқлар ўчмаган кеча" ва илк қиссаси — "Отойининг туғилган йили" эълон қилинганда бизлар талаба эдик. Китоб ҳақида Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов сингари таниқли адиблар самимий фикрлар айтишди. Қисса эса адабиётимизда воқеа сифатида баҳоланди. Асар республика Ёшлар Иттифоқи мукофоти билан тақдирланди.

Эркин ака адиб бўлиш билан бирга моҳир ношир ҳам. "Гулистон", "Ёшлик" журналларида Эркин Аъзам бошқа сафдошлари билан бирга ўзига хос таҳрир мактабини яратди. Эркин ака Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ишлади, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари сифатида фидойилик кўрсатди. У айни пайтда "Тафаккур" журналининг бош муҳаррири, республика "Маданият ва маънавият" жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари. Эркин аканинг Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилганидан хурсанд бўлдик. У киши ҳалол, ҳақиқатгўй ва тўғрисўз. Унинг дастуридан миллат маънавиятини юксалтириш масалалари асосий ўрин олган.

Бўлажак парламентда ана шундай фидойи, жасоратли депутатлар кўпроқ бўлишини истаймиз.

Ашурали ЖЎРАЕВ.

Мусулмонқул Шайқулович БАЙКЕЛЬДИЕВ, 146-Олтинсой сайлов округи

"Шерободсовхозсув" қурилиши трестининг бошқарувчиси Мусулмонқул Байкельдиев ҳаммани ўзидай биладиган, ҳаммани ўзидай кўрадиган одам. Унинг ўзи ким, деб сўрарсиз. Ёши элликдан ўзди. Юриш-туриши, кийиниши ғоят ораста. Тилининг орасталигини айтинг: иш юзасидан минг асаби қақшаб турмасин, оғзидан қўпол сўз чиқмайди.

Бир гал шундай бўлди: Бойсун туманидаги Работ насос станциясини минг бир хил ташвишу югур-югурлар билан ишга қўйган эдилар. Кўп ўтмай Байкельдиевнинг қулоғига станциянинг трансформатори куйиб кетипти, деган хабар етди. Қаровсизлик, хўжасизлик ва яна оддийроқ қилиб гапирадиган бўлсак, эътиборсизлик бўлган, вассалом. Энди бузилган аппаратни созлаш харажатини айбдорлар тўласин, деб ишни пайсалга солса, ким ютқазади— табиийки, бу принципдан фақат умумманфаати зарар кўради, холос.

Қаердадир қурилиш материали тақчил, қайсидир бир жамоа маошини кечикиб олган, кимнидир оила ташвиши бошини қотирган-бунақа мавзуларда трестнинг нонини баҳам кўриб турган икки мингдан зиёд одамнинг ҳар бири Мусулмонқул Шайқулович билан дўстона, кўнгилдаги гапларни ўртага ташлаб маслаҳатлашишдан баҳра олади. Нафақат баҳра, қувват, фойда олади.

Трест вилоятнинг саккиз туманига хизмат қилмоқда..

Жавли ДАНИЯРОВ, 147-Ҳазорбоғ сайлов округи

Сурхондарёда ҳам ихтирочилар ўзига яраша топилади. Лекин "Ихтирочи" деган диплом соҳиблари жуда кам. Шундай соҳиблардан бири Денов туманидаги "Ҳазорбоғ" жамоа хўжалигининг раиси Жавли Данияров.

Дипломни у раислигида эмас, шу хўжаликнинг 4-бўлимида механик бўлиб ишлаганида олган. Тўғриси, билими зўр бўлмаса-да, фаросати ўткир. Ахир тракторчи, устахона бошлиғи каби ишлардан чиққан одамнинг бугун вилоятдаги энг йирик хўжаликка раислик даражасига кўтарилиши бежиз эмас-да.

Энди обрўсини айтинг. 1994 йил Данияров учун қийин кечди. Бир тасодиф билан касалхонага тушди. Изтиробли лаҳзаларни бошидан кечирди. Сиҳат-саломатликнинг ҳикматини, дунёнинг шу беш кунлик умрнинг нималигини англагандай бўлди. Хўжалик вилоятда биринчилар қатори пахта тайёрлаш режасини бажаргани, хўжаликнинг бошқа соҳалари бир қадар дуруст ривожланаётгани фикримизга далилдир.

Комилжон САПИЕВ, 148-Денов сайлов округи

Денов автобус-таксомотор корхонасининг қирқ беш ёшли директори Комилжон Сапиев ҳаётнинг аччиқ-чучугини тушунадиган одам. Бўлар-бўлмасга "боши осмонга етиб" кетавермайди.

Деновликлар Комилжонни ёшлигидан билишади: отасига тадбиркор дастёр эди. Рўзғорнинг ишларини ўзи билиб қиларди. Сўнг... техникага қизиқди. Спортнинг мотопойга тури бўйича Иттифоқ миқёсидаги нуфузли ўринларни эгаллади. У каскадёр бўлишни, киноюлдуз бўлишни орзу қиларди.

Хаёлнинг эмас, ҳаётнинг зайлига қаради. Ва ўзининг фикрига кўра кам бўлмади. У ўзининг элини таниди. Пировардида эл уни... Механикликдан муҳандис... бўлди. Сўнг директор ўринбосари, халқ назорати қўмитаси раиси. Ва ўн йилдан буён катта корхонанинг бошлиғи.

— Депутат бўлсангиз...

— Нима каромат кўрсатмоқчисиз?— деб сўрамоқчисиз-да, — дейди Сапиев саволимни ўзича давом эттириб.— Юртим деган одам режа санаб мақтанмайди. Ишлайди. Енгни шимариб, уйқуни сийрак қилиб. Демак...

Маҳбуба Аҳмаджоновна БАҲРИДДИНОВА, 150-Узун сайлов округи

Уни Маҳбуба Аҳмаджоновна деб аташади. Бундан йигирма икки йил олдин, Лоҳутий номли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлагандан бери шундай. Нафақат ҳамкасблари, ҳатто бешинчи, олтинчи синфдан тортиб, юқори синфдагилар уни шундай чақиришади. Расмиятчилик ёки мулозамат учун эмас. Шунчаки ҳурмат юзасидан. Шунчаки ҳурматга лойиқ, одамгарчилиги, ишлари ҳурматга сазовор бўлганлиги учун.

Маҳбубанинг ёмон кўргани — ёлғон. Ва бир ўқитувчиси ёлғон гапирадиган, ёлғон (қалбаки) ишлайдиган қишлоқнинг кўчаси обод бўлмайди, деган гапи бор. Мактабнинг ишига телевизор халақит қилаяпти, деган гапларни мутлақо асоссиз деб билади. Боланинг (мактаб ўқувчисининг ҳам) кўнглидай кўнгил борми? Уни сеҳрлашдан ҳам кўра осон иш борми? Осонлиги шундаки, фақат мактабга, синфга, боланинг дилига ёлғонни тиқиштиришга ҳаракат қилмаслик керак. Болани содда деб тушунмаслик керак.

Баҳриддинова тўрт йилдирки, Узун туман хотин-қизлар қўмитаси раиси. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни ишга жойлаштиришга бағишланган йиғилишларга маъруза тайёрлаш, ўқиб беришни у ғоят жўн иш деб билади. Ана энди бу ишда нафақат хотин-қизлар қўмитаси раиси, балки мартабали депутатлар ҳам қанчалик фаоллик кўрсатса арзирлигини Маҳбуба Аҳмаджоновна чуқур ҳис этади.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

92-Норин сайлов округида Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан учрашувга кўп одам келди. Унда округдан рўйхатга олинган уч номзод: Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — А. Шамситдинов номидаги жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Аҳмаджон Маматов, "Ватан тараққиёти" партиясидан — байналмилалчи жангчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлимининг раиси Зокиржон Омонов, халқ депутатлари вилоят кенгашидан — Норин туманининг ҳокими Ҳусанбой Ғойиббоев иштирок этди.

Номзодларнинг ишончли вакиллари уларнинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти ҳақида сўзлаб беришди. Сўнгра депутатликка номзодлар Олий Мажлисга сайланган тақдирда амалга оширадиган режалари ҳақида гапирдилар ва саволларга жавоб қайтардилар. Учрашувда "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги фахрийлар кенгашининг раиси М. Аҳмаджонов, пенсионер Х. Ғойипов сайловчилар номидан сўзга чиқиб, номзодларга сайловолди кампаниясида муваффақият тиладилар.

***

Хива шаҳридаги Баёний номидаги гимназияда қизиқарли сайловолди учрашуви бўлди. Унда 208-Хива сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар — халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши томонидан номзоди кўрсатилган Хива шаҳри ва тумани ҳокими Эркин Раҳмонов, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод — туман марказий касалхонаси шифокори Қодирберган Тангриберганов ҳамда шу ҳудуддан вилоят ва туман кенгашлари депутатлигига номзодлар иштирок этдилар. Икки соатдан ошиқ давом этган учрашувда сайловчилар ўз номзодлари тўғрисида тўлиқ маълумот олиб, бўлажак сайловда кимга ишонч билдириш борасида бир тўхтамга келдилар.

***

Яккабоғ касабаси клубида 236-Яккабоғ сайлов округи сайловчиларининг Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Яккабоғ туманидаги "Турон" жамоа-ширкат хўжалиги раиси Тўра Сатторов ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институтининг директори Асқар Холмуродовнинг ишончли вакиллари уларнинг ҳаёт йўли ва амалга оширган ишлари ҳақида батафсил гапирдилар. Шундан сўнг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидан номзоди кўрсатилган Т. Сатторов, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг номзоди А. Холмуродов сайловчиларга ўз режалари, келгусидаги ниятлари ҳақида сўзлаб бердилар. Сайловчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Номзодлар, уларнинг ишончли вакилларининг сўзлари, сайловчиларнинг фикрларидан шу нарса аён бўлдики, мустақил Ўзбекистон давлатининг биринчи Олий Мажлисига ўтадиган илк сайлов демократия, ошкоралик ва кўппартиялилик асосида ташкил этилаётгани халққа, одамларга маъқул бўлмоқда.

(ЎзА).

"АДОЛАТ ҚОМУСИ"

ЎЗБЕКИСТОН ОЙНАИ ЖАҲОНИ 8 ДЕКАБРДА ЭРТА ТОНГДАН ТО ТУН ЯРМИДАН ОҚҚУНЧА УЗЛУКСИЗ БАЙРАМ КЎРСАТУВЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ. УШБУ МАҚОЛА ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ҲУКМИГА ЯНА БИР БОР ҲАВОЛА ЭТИЛГАН ВИДЕОФИЛЬМ ҲАҚИДА

Сиёсий-ижтимоий мавзуда, айниқса, телевидениеда томошабинга манзур беш қисмдан иборат бадиий-публицистик асар тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. "Адолат қомуси" видеофильми мустақил Ватанимизнинг биринчи Конституцияси тўғрисидаги илк асар. Асосий Қонунимизнинг яратилиши ва унинг қабул қилиниши тарихий лаҳзалари асрларга татигулик катта воқеа. Уларни "зангори кўзгу"да қандай акс эттириш, телетомошабинлар қалби ва онгига унинг моҳияти ва аҳамиятини қай йўсинда чуқур сингдириш мумкин?

Видеофильмни кўрар эканмиз, унинг муаллифлари — Шавкат Яҳёев ва Саид Мухторов бунга жиддий ва катта масъулият ҳисси билан ёндашганликлари, ижодий ютуқларга эришганликларига гувоҳ бўламиз.

Президентимиз Ислом Каримов Асосий Қонун — янги Конституцияни яратишда БМТ ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилинганини алоҳида таъкидлаган эди. Ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Япония, Канада, Олмония, Франция, Туркия, Миср, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатларнинг Конституциялари тажрибаларидан ижодий фойдаланилганини биламиз. Уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этиш умумхалқ томонидан амалга оширилган. Хўш, халқимизнинг чин маънодаги тафаккури ва ижоди маҳсули бўлган Асосий Қонунимиз телевидениеда ўз аксини қандай топди?

Видеофильмнинг бошланиш қисмлари аввало ўзбек давлатчилиги тарихи, Шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжат бўлмиш Амир Темур тузуклари, бош Қомусимизнинг юзага келишида жаҳон мамлакатлари тажрибалари ўрганилишига бағишланган. Ўзбек давлатчилик тарихидан бошлаб то шу кунгача халқимиз босиб ўтган мураккаб ва машаққатли йўл жонли кино лавҳаларда ўз ифодасини топган. Кўз олдимизда ҳали шу пайтгача собиқ СССР чет кўзлардан пинҳоний "муҳрлаган" ноёб архивнинг қўл теккизилмаган ҳужжатлари сақланаётган муҳташам бинонинг узун коридори ва сокин хоналари эшиги олдидан ўйчан ўтиб бораётган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. Оҳиста, таъсирчан, юракни эзувчи қуй таралади. Худди тарих садоси бу дейсиз. Шоиримиз қалин-қалин сирли ҳужжат китоблари сақланаётган хона эшигини оҳиста очади. Жавонда ҳали дунё юзини кўрмаган ҳужжатларни ички бир ҳаяжон ила варақлайди. Нақадар аянчли ва шафқатсиз бу тарих саҳифалари! Қотиллар ҳам, қурбонлар ҳам, исми-шарифи номаълум зотлардан тортиб Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа қатағон қурбонларининг изоҳлардан ҳоли сўзлари битилган ўкинчли саҳифалар...

Конституция — адолат китоби. У ҳамма нарсани жой-жойига қўйиш учун бамисоли бир маёқ! Тарихимизда қанчадан-қанча кишилар қурбон бўлмади. Халқимиз бу ёруғ кунларга етиб келгунча не-не машаққатларни бошидан кечирмади. "Зангори кўзгу"да от бостириб, ҳаммаёқни чанг-тўзонга тўлдирган, илму фан гулзорларини вайрон этган даҳшатли ўтмиш манзаралари бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтганда қалбимиз ларзага келади. Тарихнинг ўша "қора кунлари" бизга шу ёруғ кунлар қадрига етишга даъват этаётгандек туюлади. Адолат халқимиз учун қанчалар қимматли эканлигини англайсан, киши!

Юртбошимизнинг мустақил мамлакатимиз Конституциясини тайёрлашдаги ташаббуси ва саъй-ҳаракати бутун видеофильм бўйлаб қизил ип бўлиб ўтади. Академик Шавкат Ўразаев, республика Адлия вазири Алишер Мардиев, Бош прокурор Бўритош Мустафоев мустақил Ўзбекистон халқлари манфаатини ҳимоя қилувчи Асосий Қонуннинг моҳияти ва аҳамиятини лўнда ва тушунарли шарҳлаб беришади. Демократик, ҳуқуқий давлат қураётганимизни биз бутун вужудимиз билан олқишлаймиз. Миллатни миллат сифатида дунёга танитган қомусимизнинг халқ иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини тўла-тўкис акс эттирганига иймон келтирамиз.

Видеофильмнинг сўнгги қисмлари Конституция бўлимлари моҳиятини очишга, ҳозирги муҳим иқтисодий ислоҳотлар — давлат мулкини хусусийлаштириш, кичик ва қўшма корхоналар фаолиятига кенг йўл очиб бериш, хуллас, Қомусимизнинг турмушимиздаги амалий натижалари ҳақида маълумот ҳикоя қилади. Охирги қисмда мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутиши ва жаҳоннинг Ўзбекистонга юз тутиши, Президентимиз саъй-ҳаракати билан амалга ошаётган жаҳоний ишлар шоҳиди бўламиз. АҚШ, Япония, Франция, Олмония, Буюк Британия каби чет эл элчихоналари томонидан мустақил давлатимиз ва унинг Конституцияси юзасидан билдирилган фикрлар қалбимизда ифтихор ҳислари туғдиради.

Ижодий гуруҳ — муаллиф, режиссёр, оператор, муҳаррир ва маслаҳатчилар қўҳна тарихимиз қатламларининг ҳали бизга қоронғу бўлган жиҳатларини — Қўқон мухториятиқ Туркистон генерал-губернаторлиги, Ўрта Осиёда совет давлати ўрнатилиши асл тарихининг астар-аврасини телетомошабинларга кўрсатадилар. Большевиклар бизга берган "бахт" қуруқ сафсаталигини чуқур англаб етишимизга озуқа берадилар.

Жавоҳарлаъл Нерунинг ўзбек давлатчилик тарихига, Бобурга берган юксак баҳоси, Клавихонинг фикрлари, ҳуқуқшунос Ҳалим Бобоевнинг Амир Темурнинг давлатни бошқариш тизимлари ҳақидаги фикрлари илдизимиз нақадар чуқур ва мустаҳкам эканлигидан фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Бешала қисмни боғлаб турган — бошловчи Ҳамза театрининг таниқли актёри Муҳаммадали Абдуқундузовнинг Олий Кенгаш Мажлислар залидан ўзига хос ўртани олиб бориши, видеофильмда ҳар бир таъсирчан сўз ортидан пурмаъноли фон берилиши, у дилрабо мусиқа билан уйғунлашганлиги, моҳирона монтаж қилингани видеофильм муаллифларининг ижодий ютуқларидандир.

У мустақиллигимиз уч йиллигига бағишланган "Мустақиллик одимлари" телефильмидан кейин буюк Истиқлолимиз, унинг Конституцияси ҳақида яратилган тўлақонли бадиий-публицистик асар. Шу маънода мазкур видеофильм бир марта кўриладиган маҳсулот эмас, уни тез-тез намойиш этиш керак. Фикримизча, у русчага ҳам ўгирилса ва олий ўқув юртлари, мактабларда кўргазмали ўқув дастурига киритилса, айни муддао бўларди.

Ҳамид ИКРОМОВ.

Мулоҳаза

БЕЭЪТИБОР БЎЛМАЙЛИК

Ўзбек халқининг ўзига хос табиатини, лутфкорлигини, урфу одатларини ҳаммамизга жондай азиз, қадрдон "салом" сўзисиз тасаввур қила олмаймиз. Шунинг учун ҳам доно халқимиз: "Аввал салом, баъдаз калом", — деб бежиз айтмаган. Салом — одобнинг боши, одатнинг дебочаси, қолаверса, одамнинг кимлигини белгилайдиган мезон ҳамдир.

Бироқ биздаги ажойиб миллий маънавий қадриятларнинг йўқолиши натижасида Европа одатлари ёшларга таъсир эта бошлади. Натижада миллий маънавиятимизга зид бўлган ахлоқий муносабатлару, ахлоқ мезонлари шаклланди. Ёшлар ўзимизнинг миллий кийимларимизни менсимай, бутунлай чет эл модасига берилиб кетди. Оқибатда ўзбекни кўз-кўз қилиб турадиган дўппиларимиз, тўнларимиз кийилмай қола бошлади.

Миллий мустақилликка эришдикми, энди ёшларни миллий қадриятларимизни қайта тиклашга ва уни жаҳон халқлари қадриятлари даражасига кўтаришга чақирамиз. Чунки ўзбек миллатининг қадриятлари жаҳонда ўзини кўз-кўз қилишга арзийдиган маънавий бойликдир.

Ҳар бир мустақил давлат ўзининг келажаги бўлган ёшларни тарбиялашга катта эътибор бериши керак. Шундагина у ўз мустақиллигини тўла сақлаб қолади. Шунинг учун Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш биринчи даражали аҳамиятга эга вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Кишиларда, айниқса, ёшларда юксак онг-лиликни, инсонпарварликни, одамларга меҳр- муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, яъни инсонпарварлик хислатларини тарбиялаш ва таркиб топтириш ғоявий ҳаётимизнинг асосий масаласидир. Бундай тарбия, албатта, биринчи навбатда оиладан бошланмоғи зарур.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил, деб эълон қилиниши таълим-тарбия ишларини тубдан қайта қуришни зарур қилиб қўйди. Бу эса таълим-тарбия соҳасида қайта қуришнинг янги концепциясини яратишни тақозо қилди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бундай концепция ишлаб чиқилди. Мустақиллик шароитидаги таълим-тарбиянинг услуби ва мазмунини белгилайдиган бу концепция авваламбор, янгича фикрлаш, умуминсоний ва миллий қадриятлар устиворлигини, халқ ижодиётининг ўзига хослиги, ўзбек тилида ўз ифодасини топувчи миллий тафаккур хусусиятлари, халқ педагогикасининг улкан тарихий тажрибаси, оила — боғча — мактабнинг ўзаро янги муносабатларини ўзининг асосий принциплари қилиб олгандир.

Республикамизда давлат тили ҳақидаги қонун амалга оширилмоқда. Ўзбек тилининг қўлланиш доираси кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга бошқа халқаро тиллар, хусусан, рус, инглиз, француз тили ва бошқа тилларни ўрганишнинг шакл ва усуллари ҳам такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистонда барча халқларнинг тилларига ҳурмат билан қараш ҳозирги мустақил давлатимизнинг илгари сураётган инсонпарварлигининг ўзига хос бир кўринишидир. Умуман, инсонпарварлик эътиқодининг шаклланишида муомала маданиятининг ҳам аҳамияти бениҳоя каттадир. Бола тарбиясида муомала маданиятини ўргатишга алоҳида аҳамият бериш керак. Халқимизда: "Бола азиз, одоби ундан азиз", деган гап бор. Кичкинтойларга ўзидан каттага ҳурмат, кичикка шафқат билан қарашни ўргатиш, нонни эъзозлаш, хушмуомала, адолатли, ҳалол бўлишдек хислатларни сингдириб бориш ёшлар қалбига инсонпарварлик уруғини экишдир.

Ёшларимиз тарбиясида матбуот, радио, телевидениенинг ҳам роли беқиёсдир. Қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз ҳақидаги телекўрсатувлар, эшиттиришлар тўғри ва қизиқарли бўлса улар ёшларда инсонпарварлик эътиқоди шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Келажак авлодларимиз қанчалик инсонпарвар бўлиб тарбияланса, қадриятларимиз шунчалик қайтадан тикланиб ўзининг жаҳоншумул аҳамиятига эга бўлади. Бу Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

П. ҚУЛМАТОВ,
ТошДУ гуманитар факультетлар фалсафа кафедраси тадқиқотчиси.

Китоб жавонингизга

"БАХТ НИМА?"

"Фарзанд — нақ юрагимиздан ўсиб чиқувчи, умримизнинг янги новдаси, илдизи, бизнинг маънавиятимиздан сув ичувчи келажак боғларимиз, чаманларимиздир".

Ушбу сатрлар шоира ва журналист Турсуной Содиқованинг "Бахт нима?" китобининг муқаддимасидан олинди. Шоиранинг номи мамлакатимиз ўқувчиларига яхши таниш. У Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитасининг раиси, фаол жамоатчи. Ойнаи жаҳон орқали унинг чиқишлари элимизга манзур бўлаётир. Унинг сўзларини тинглаб, ота-боболаримизнинг халқ маънавияти, ахлоқ-одоби, фарзанд тарбияси бобида тутган йўллари хотирангизга келиши шубҳасиздир.

"Бахт нима?" рисоласи бадиий публицистика жанрининг янги намунаси сифатида қабул қилинади, десак муболаға бўлмайди. Мақолалар муаллифнинг кузатишлари асосида ёзилганки, унда сиз мисралар муаллифини ҳам шоира, ҳам муаллима, ҳам фаол жамоатчи аёл, ҳам зийрак она сифатида кўрасиз. Инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг серқирра томонлари моҳирона очиб берилган лавҳаларни мароқ билан, интиқлик ҳисси билан ўқийсиз.

Китоб олти қисмдан иборат бадиий лавҳалардан ташкил топганки, уларнинг ҳар бири бир-бирини мазмун жиҳатидан ҳам, воқеа жиҳатидан ҳам тўлдиради.

"Андиша" ва "Юрак билан ақл бирлиги" сарлавҳали лавҳалар китобнинг биринчи қисмини ташкил этади. Шу ўринда муаллифнинг сўзларига қулоқ тутинг: "Халқимизнинг ўзига хос миллий эътиқодлари, ўхшаши йўқ фазилатларини фарзандларимизга ҳам оҳорини тўкмай қолдириб кетиш бизнинг бурчимиздир". "Андиша — бу ўзгаларни бутун асраш йўлидаги фидойиликдир. Андиша — бу яхшилик дунёсини оғиб кетишдан сақлайдиган мувозанат." Китобдан олинган ушбу сўзларга изоҳнинг ҳожати йўқ. Халқимиз ҳамиша ўз эътиқоди ва андишаси билан ҳурмат қозониб келаётир.

"Буюклигингни унутма, аёл!", "Қудачилик" лавҳалари ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Маънавий баркамол халқимизнинг азалий одатлари ҳақида самимий дил изҳорлари баён этилади.

"Ёшларга айтар сўзим" қисмидаги "Сиз куёв бўлгач...", "Сиз келин бўлгач...", "Сиз ота бўлгач...", "Сиз қайнона бўлгач..." лавҳалари қисқа ёзилган бўлса-да, унда ҳаётда рўй берадиган воқеалар энг каттасидан энг кичигигача тилга олинган. Ота ва она, фарзандлик бурчлари мароқ билан сўзланади.

"Қилмиш — қидирмиш...", "Ота-оналик бурчи миннат эмас", "Кечириш..." сарлавҳаларидан аёнки, уларда ёшлар тарбияси, оилани бутун сақлайдиган омиллар хусусида сўз юритилади.

"Онаси ўлмаган ким бор, отаси ўлмаган ким бор..." сарлавҳаси қисмда жамланган мақолаларда мунис она тимсоли жўшиб мадҳ этилади, эрта йўқолган ота сиймосини соғиниш, унинг руҳини шод этиш, тириқликда фарзандлик бурчини — эзгу ишларни амалга ошириш лозимлиги хусусида фикр юритилади. Айниқса, фарзандликнинг армону ўкинчлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўқир экансиз, беихтиёр қалбингиз нурга, дилингиз эзгу туйғуларга тўлиб тошади.

Сўнгги "Бизнинг миллий қадриятларимиз" деб номланган қисмда жамланган лавҳаларда шоира ўзи туғилиб ўсган Андижон диёрининг удумлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, таъриф тавсифини ҳаётий кузатишлари асосида, шоирона шаклу шамоилда талқин этган. Шу билан бирга муаллиф яхши анъаналаримизни қайта тиклашга даъват этиб, ўзбекча урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз борасида қизиқарли баҳс юритган.

Маълумки, ҳар бир ота ва она ўз фарзандини эл хизматига қайишадиган, меҳрибон этиб тарбиялашга интилади. Зеро, фарзанд камолоти унинг қувончи, бахти. Шу ўринда мазкур китобчанинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқув-методика маркази тарбиявий ишлар бўлими томонидан ўрта мактабларда "Одобнома" фани бўйича қўлланма сифатида тавсия этилиши нур устига аъло нур. Ҳолбуки тўпламда жамланган лавҳаларнинг барчаси бир-бири билан узвий ва мазмунан боғланганки, улар китобхонга маънавий озиқ бера олиши билан мақтовга лойиқдир. Аминмизки, мазкур китобча тез орада ҳар бир ўзбек хонадонига кириб боради ва уларнинг севимли китоблари қаторидан ўрин олади.

Наргис СУЛАЙМОНОВА,
"Ўзбекистон матбуоти" журнали ходими

• *Шогирд таъзими*

МАНЗУРА АЯНИНГ ДУОЛАРИ

Баҳор кунларининг бирида биз театрга кириб келдик. Мен, Хайрулла, Тоҳир ака...

Баҳор кунларининг бирида бизни катта бир инсон театр остонасида кутиб олди. Кўзларида меҳр балқиган, хушруй, сўзларидан бол томган файзли аёл эди у. Он миздек эркалаб, бағрига босиб, пешонамиздан ўпиб, кўлини фотиҳага очди: "Илойим, кимлар ўтмаган шу жойда туп қўйиб, палак ёзинглар, саҳна парилари сизларни доим қўлласин". Биз ҳали еш йигитчалар, бу сўзларнинг маъносига унчалик аҳамият бермасак-да, бора-бора бу фотиҳанинг йўлларимизга ёзилган оппоқ поёндоз эканини била бошладик. Ҳар гал саҳнага чиққанимизда шу аёлнинг чақноқ ва азиз нигоҳлари бизни кўллаб турарди. Энди ўзимиз ёш санъаткорларга фотиҳа бериш ёшига етиб қолганимизда аяжонларимизнинг биз учун ўша вақтларда нақадар тоғ бўлганларини, улар бизни аяб-аяб юрганларини, саҳна сирларидан воқиф этиб, унинг мактабидан боҳабар қилганларини кўпроқ ҳис қилаяпмиз.

Бу аёл — Ўзбекистон халқ артисти Манзура ая Ҳамидовадир. Мана деярли ўттиз йилки, биз бу санъаткор яратган мактабнинг талабаси, иштирокчисимиз. Болалар театрининг актёри ўз болажонлири, болалар дунёсига яқинлиги, улар қалбига инчунун йўл топа билиши лозимки, аямиз доим бизга шуни уқдирадилар. Ўзлари ҳам "Айланай, болам" деб саҳнага чиққанларида, уни ёритиб юборадилар. Ҳар биримиздан, "ойинг ўргулсин, тинчмисан?" деб ҳол-аҳвол сўраганларида яйраб кетамиз.

Менимча, меҳрибон она сиймосини саҳнаю телеэкранда буларчалик кўп яратган актриса топилмаса керак. Улар гавдалантирган ҳар бир она образи ҳоҳ буви, ҳоҳ у бевосита она бўлсин, ҳар биринг ўз дарди, ўз ташвиши, ўз меҳри яъни ўзлиги бор. Бирини кўриб, ҳайқириб йиғлагингиз келса, бирини кўриб, эвоҳ, шундай фарзандлардан, шундай меҳрсиз одамлардан ўзинг асра, дейсиз. Манзура аямизнинг — онажон, бувижонлари ҳар бир томошабинни эзгуликка ундайди.

Азиз томошабин, ҳойнаҳой сиз ҳаммамизнинг санъатдаги онамиз Манзура аяни кўргингиз, улар билан суҳбатлашгингиз келар. Унда сира тортинмай Охунбобоев номли Республика Ёш томошабинлар театрига марҳамат қилинг. У шундай Эски Жўвада. Жангоч билан туташиб кетган.

Ҳар куни театрнинг муборак остонасига табаррук бир она қадам қўядилар. Ҳар гал уларни ҳамма салом бериб кутиб олади. 80 ёшга тўлсалар ҳам саҳнани тарк этмаган, уни ардоқлаган, кўзларига тўтиё қилган Манзура ая алик олиб қўлларини фотиҳага очадилар. "Илойим юртимиз тинч бўлсин, обод бўлсин, ёмон кўздан асрасин. Ҳамма ларинг менинг ёшимга кириб, элга хизмат қилиб юринглар", дейдилар.

Ҳа, аяжон, аввало юртимиз тинч, кунимиз қуёшли бўлсин. Сиз эса саҳнамизнинг қуёши, ҳаммамизнинг меҳрибон онамиз, устозимиз бўлиб юраверинг. Соғлиқ тилаб қолувчи шогирдингиз ва фарзандингиз

Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

ТАШКИЛОТ

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ЯНГИ ЙИЛ ОЛДИ САВДОСИНИ БОШЛАЙДИ

-"SANGRIA" виноси (Испания)
- мева ликёрлари (Италия)
- 5 хилдаги шампан винолари (Италия)
-" STEFFL" пивоси (Австрия)
(Исландия, Бельгия, Голландия)
-"GOLDEN AMERICAN" сигареталари.

Оврўпонинг энг яхши сифатли моллари!

Шунингдек: компьютерлар, факслар, калькуляторлар ва бошқалар.

Фақат лицензияси бўлганлардан

сотиб оламиз:

қора мол терилари, пахта толаси, линт, пахта чиқитлари, ферментланган тамаки мавоза усулида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Алоқа учун телефонлар:
45-55-65,
45-70-65.

"Г У Л-К О Н"
САЙЁҲ ЛИК ФИРМАСИ

Чимён сайёҳлик мажмуининг Тошкентдаги ваколатхонаси " Гул-кон" сайёҳлик фирмаси Ўзбекистон аҳолисини ва меҳмонларни 1994 йил 30 декабрь - 1995 йил 1 январь кунларида денгиз сатҳидан 1600 м. баландликда жойлашган Чимён сайёҳлик мажмуида ўтказиладиган Янги йил карнавалига таклиф этади. Байрам дастурида Ўзбекистон Республикасининг таниқли артистлари иштирок этишади, шунингдек беқиёс " Юлдуз шоу"тўғридан-тўғри ойнаи жаҳонга узатилади.

Шошилинг, жойлар сони чекланган. Ўқувчиларнинг таътил кунларида гуруҳ ва оилавий бўлиб бориш учун йўлланмалар, ҳамма хизмат турлари мавжуд.

Шунингдек,,Тошкент-Самарқанд - Тошкент йўналиши бўйича 2 кунлик сафарларни;

-Тошкент-Москва- Тошкент бўйича харид сафарларини, хорижга сафарларни,чет эл паспортларини расмийлаштириш билан биргаликда таклиф этамиз.

Тўлов турлари: нақд, пул ўтказиш йўли билан ва ўзаро ҳисоб-китоб.

Бизнинг манзил: Мовароуннаҳр кўчаси-4, 3-йўлак,3 қават.

Йўналиш: Метронинг Амир Темур бекати, курант қаршисида.

Маълумот учун телефонлар: 32-22-10, 33-73-84

ОҚ МОЙЛИ БЎЁҚ

МАРМАР УВОҒИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН УЗОҚ МУДДАТЛИ ШАРТНОМА ТУЗАМИЗ. МИНСКДАГИ ТЕЛ./ ФАКС (0172) 464917.

ЭЛЕКТРОДЛАР СОТАМИЗ

АНО-4 Ø-4 ММ ЭЛЕКТРОД

Тошкент ҳуқуқшунослик институти томонидан 1993 йилда Илҳом Маткаримов номига берилган ФВ № 956669 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ БАНКИ (ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНК)

АКЦИЯДОР ЖАМИЯТИНИНГ АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИШИ ҲАҚИДА

МАЪЛУМОТИ

1991 йил май ойида ташкил қилинган Ўзбекистон Акционер-тижорат деҳқончилик саноат банки Республикадаги энг йирик банклардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг қуйидаги операциялар ўтказиш ҳуқуқини берувчи Бош лицензиясига эга:

-кредит-ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишучун 1991 йил 1 июль 1538 /18 рақамли лицензия;
-валюта операцияларини амалга оширишучун 1993 йил 17 август 2-рақамли лицензия.

Банк таъсисчилари 41 та юридик шахслар бўлиб, улардан энг йириклари:
-Ўзпахтасаноатсотиш;
-Ўзбекистон Республикаси Жамғарма Банки;
-Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлиги.
-Росагробанк-Россия Федерацияси, Москва шаҳри;

Банк республика бўйлаб 186 та филиалга эга. Республика бўйича ўтказилаётган банк операцияларининг ҳар иккинчиси Ўздеҳқонсаноатбанкига тўғри келади. 1993 йил иш якунларига кўра молиявий даромад 51 млрд. рублни ташкил қилди.

Инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари:
1. Маблағларни
-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва тайёрловчи корхоналарига;
-экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарига;
-озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналарига;
-саноат корхоналарига сарфлаш.
2. Давлат қимматбаҳо қоғозларига маблағ сарфлаш.
3. Молия олийгоҳларининг қимматбаҳо қоғозларига маблағ сарфлаш.

ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНК КЕЛГУСИДАГИ АКЦИЯЛАРИ ЭМИССИЯСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Чиқариладиган қимматбаҳо қоғозлар тури:
-имтиёзли номли акциялар,
-оддий номсиз акциялар.

Битта акциянинг қиймати: 1000 (минг) сўм.

Чиқарилаётган акцияларнинг сони: 100 000 (минг) дона.

Обуна бошида битта акциянинг бошланғич нархи: 1 акция-1000 (минг) сўм.

10,100 ва 1000 дона акция эгаларига 10000, 100000 ва 1000000 сўмлик сертификатлар берилиши мумкин.

Акцияларни тарқатишнинг дастлабки санаси: 1994 йил ноябрь ойи.

Акцияларни тарқатишнинг сўнгги санаси: 1995 йил апрель ойи.

Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш шакли: нақд, махсус қоғозлар кўринишида.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигида қимматбаҳо қоғозларни рўйхатдан ўтказишда берилган код рақами: № 06-1-85, 1994 йил 18 июль.

Акциядорлар умумий мажлисида битта оддий акцияга тўланадиган охирги дивиденд миқдори Банк Кенгаши таклифига биноан дивидендларни тўлаш оралиғини ҳисобга олиш билан йиллик натижаларига қараб эълон қилинади. Дивиденд оралиғини миқдори битта акцияга нисбатдан сўмларда, ёки битта акция нархига нисбатан фоизларда ифодаланади.

Эмитент ва акцияларга эга бўлиш тартиби ҳақида батафсил маълумот ва қўшимча ахборотларни қуйидаги манзилгоҳдан: *700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси 43-уй, 53-хона. Тел. /факс (3712) 78-10-94,* шунингдек барча вилоят, туман марказларида жойлашган Ўздеҳқонсаноатбанк шўъба ва бўлинмалардан олиш мумкин.



"ИРИТ-2"

КИЧИК КОРХОНАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

-Пресслаш йўли билан ғишт тайёрловчи ускуна. Хом ашё—лой. Ғиштни қуйдириш талаб этилмайди.

-Сариёғ тайёрлаш ускунаси:

телефонлар: 62-52-91 9⁰⁰ 17⁰⁰ гача
44-47-20 18⁰⁰ дан кейин.

"ГРАНИТ"

Ўрта Осиё монтаж-технология бошқармаси

овозни кучайтириш ва нутқларни синхрон таржима этиш тизимларини монтаж қилиш ва созлаш бўйича ишларни тўлиқ бажаради.

Алоқа телефонлари: 77-03-70, 77-49-31.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 12

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Қутлуғ ташриф".
18.30 "Ишбилармон".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.25 Эълонлар.
19.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг ҳисобот концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Демократик сайловлар сари.
21.45 Фарҳод Мусажонов. "Нажот излаб". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Жонли тил".
19.30 "Деҳқон химмати".
20.00 "Ҳуқуқ химоячилари".
20.30 "Экология ва ҳаёт".
21.00 — 22.25 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Инсон бўйин эгмайди". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткарусель".

*

"ОМАД" таништиради:
19.50 "Совға".
20.20 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
20.40 Эълонлар.
20.50 Видео — "О".
22.30 Эълонлар.
22.40 "Курьер".
23.00 "...Яна об-ҳаво ҳақида".
23.15 — 23.25 "Постфактум". Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.20 "Юлдузли соатда".
19.05 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. Москва остонасидаги жанглар бошланган кунга бағишланган концерт.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 — 23.05 "Водиллик келин". Бадиий фильм (ЎзТВ).

СЕШАНБА, 13

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Пилигрим" кемасининг капитани". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.20 "Эльбрус боғлари". Манзарали фильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 "Хумор этдинг". Лирик концерт.
12.30 — 14.30 "Кичкинтой" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Доно бобо даврасида".
18.40 "Мусиқий дақиқалар". Созанда Рафиқжон Аҳмедов чалади.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Дўстлик тароналари". Концерт.
19.50 "Ҳилол" студияси. "Авто плюс..."
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Демократик сайловлар сари.
21.45 "Бўстон". Телевизион журнал.
22.45 "Кино, кино, кино..."
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.00 Видеогид.
20.20 "Теле-ателье-шоу".
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 — 23.10 "Кинонигох".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткарусель".

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.15 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.45 "Безнен мирас" (татар тилида).
22.20 "Чинсэн". Корейс тилида кўрсатув.
23.00 — 23.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Веди".
18.30 "СБ" жумбоғи".
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Ф. Цеппелин.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 Ҳужжатли фильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 23.50 "Уч мушкетер". Бадиий фильм (Франция, 1953 й.).

ЧОРШАНБА, 14

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Бир лаҳзалик кўркув". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 "Кафолат".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00 "Ёшлик" студияси. "Болалардек бегубор эди".
12.40 — 14.40 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Фармон ва ижро".
18.45 "Шеърий дақиқалар".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Мерос".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Демократик сайловлар сари.
21.45 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ хофизи Орифхон Ҳотамов.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Танишув".
18.50 "02" тўлқинида.
19.15 "Бизнес — банк".
19.30 "Ёдингдами, дўстим..."
19.45 "Тошкент оқшомида".
20.45 "Нурли хотиралар".
21.45 "Шохсупа сари".
22.15 — 23.20 "Алп йигитнинг уйланиши". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткарусель".
19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.40 — 23.40 "ОМАД" таништиради: "ҚИТЪА СПОРТИ".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 Эфирда — давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Н. Зелинский.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Эслаб, излаб". Жина Лоллобриджида: кеча ва бугун.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Жангдан қайтмади". А. Д. Сахаров ҳақида ҳужжатли фильм.
22.00 — 23.50 Ален Делон "Полициячининг ҳаёти учун" бадиий фильмида (Франция, 1981 й.).

ПАЙШАНБА, 15

ЎзТВ I

7.00—9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Чипполино". Бадиий фильм.
10.20 "Чашма". Манзарали фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиёт.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 "Муҳаббатни куйлайман". Концерт.
12.00—14.00 "Маърифат" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Икки кучукчанинг саргузашти". Мультфильм.
18.25 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ахборот" танқид қилади...
19.40 "Тилга эътибор".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Демократик сайловлар сари.
21.30 "Шаҳар бедарвоза эмас..."
22.15 "Қушиқларда умрим мазмуни". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров куйлайди.
23.05—23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Тумор".
19.05 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.25 "Теле-ателье-шоу".
19.35 Видео янгиликлари.
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 —22.20 "Кинонигох".

ЎзТВ III

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткарусель".

*

19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.40 "Ўзбекистон бастакорлари". Собир Каримхожи.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.55 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
22.15 —23.15 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30—9.00 "Тонг".

***

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.30 "Россия тароналари".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Унутмасликлари учун..." Ю. Белов. Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Москва. Кремль".
22.00 Кино асри. "Д нна Флор ва унинг икки эри". Бадиий фильм (Бразилия, 1978 й.).
23.40—23.50 Шахмат Олимпиадасида.

ЖУМА, 16

ЎзТВ I

7.00—9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Капитан Врунгелнинг янги саргузаштлари". Бадиий фильм.
10.15 "Мусаввир". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 "Соғлом авлод учун".
11.20 "Келгусининг бугунги ташвишлари".
11.50 Немис тили.
12.10 "Солик".
12.40—14.40 "Санъат сехри". Мусиқий видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Таълим ва ислоҳот".
18.40 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбек куйларидан концерт.
21.35 "Кино усталари". Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева.
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Хайриддин Султонов. "Чангак". Видеофильм.
23.25—23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Учқун".
18.55 Хор куйларидан концерт.
19.25 "Билиб қўйган яхши".
19.50 "Мўъжизалар оламида".
20.35 "Тошкентнома".
21.35 — 23.00 "Олмазор". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткарусель".
19.50 "Тадбиркорлик мактаби".
20.20 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

"ОМАД" таништиради:
21.10 "Даракчи".
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.50—23.20 Видео— "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30—9.00 "Тонг".

***

18.00 "Инсон ва қонун".
18.25 "Латта қўғирчоқ Яшканинг сири". Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
18.50 Янгиликлар.
19.00 Шахмат олимпиадасида.
19.10 "Детективлар клуби"да. "Қочоқ". Бадиий фильм (Франция).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40—22.30 "Мўъжизалар майдони".

ШАНБА, 17

ЎзТВ I

7.00 —9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Финист — сарлочин". Бадиий фильм.
10.15 Футбол майдонларида.
10.45 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
11.25 ЎзТВ хазинасидан. Худойберди Тўхтабоев. "Олтин сиртмоқ". Видеофильм. 1-қисм.
12.40 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
13.10 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидова таваллудининг 80 йиллигига.
14.40—15.10 "Мехрга ташна қалблар".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Булутлар ҳақида эртак". Мультфильм.
18.10 Ўсмирлар учун. "Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб..."
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Тасвир". Кинокўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Санъат дўстликка чорлайди". Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева.
21.40 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
22.40 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Хусусийлаштириш: қадам — бақадам".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.30 Видеогид.
10.50 "Теле-ателье-шоу".
11.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.00 "Кинонигох".
13.40 "Омад" тақвими.
13.45 "Жозиба".
14.05 "Тумор".
14.15 "Муҳаббатга ошно қалблар".
14.35 "Теле-ателье-шоу".
14.45 Видео янгиликлари.
15.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
15.50 —17.30 "Кинонигох".

***

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10—23.00 "Спорт-тайм" видеоканали:
— "Соккер— клуб".
— "Лидер".
— "Арт-спорт".
— "Юниор".
— "Кинематограф".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Тошкентдан гапирамиз".
10.15 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".
10.50 "Кашфиётлар ва тадқиқотлар".
11.25 — 12.00 "Айчурек" (киргиз тилида).

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси

*

19.40 "Мульткарусель".
19.50 "Замандас" (қозоқ тилида).

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.00 "Ўзбекистон: хамкорлик йўллари".
21.40 "Умид" (уйғур тилида).
22.10 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.25 Хитой цирк санъати.
22.55 "Бу ажиб дунё".
23.15 — 23.30 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 "Маккенни олтини". Бадиий фильм (АҚШ, "Коламбия пикчерс").
20. 40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 — 22.50 "Нима? Қаерда? Қачон?"

ЯКШАНБА, 18

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 Худойберди Тўхтабоев. "Олтин сиртмоқ". Видеофильм. 2-қисм.
11.45 Кичик концерт.
12.05 Болалар учун. "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
12.55 "Актёрлар ва роллар". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғуломқодир Собиров.
13.45 "Чашма — 94" республика кўрик-танлови ғолиби Қашқадарё вилояти "Чироқчи чироқлари" фольклор-этнографик ансамбли.
14.30 — 15.55 "Ёшлик" студияси. "Талабалар сахнасида".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Ўйла! Изла! Топ!".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Хафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Ойнаи жаҳонда...".
19.55 Дам олиш концерти.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Хафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Сангам". Бадиий фильм. 1-2 сериялар (Ҳиндистон).
00.10 — 00.40 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.45 "Таҳлил".
17.55 Эълонлар.
18.00 Видео — "О".
19.35 Эълонлар.
19.40 "Курьер".
20.00 "...Яна об-ҳаво ҳақида".
20.10 "Камалак".
20.30 "Постфактум".
20.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
21.10 Эълонлар.
21.20 "Даракчи".
21.30 Эълонлар.
21.35 — 23.15 Видео-"О".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Подиум".
10.30 Чет эл эстрадаси.
11.05 — 11.35 "Авлодлар".

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Ўзбекистон хамкорлик йўлида".
20.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.55 "Мюзик-холл".
22.25 "Бу ажиб дунё".
22.45 — 23.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Ҳунарли хор бўлмайди".
18.30 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар (АҚШ).
19.30 "Бутун Россия".
20.05 Режиссер Дино Ризи фильмлари. "Муқаддас Январий операцияси" (Италия, Франция, Германия, 1965 й.).
22.00 — 22.50 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

"СОВҒА"

ЛОТЕРЕЯСИ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАНГИЗГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН

ҲАЛИ БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН. "СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИ БИРОР БИР БУЮМНИ ЮТИБ ОЛИШИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ. ЛОТЕРЕЯ ЮТУҚЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАР, ВИДЕОАППАРАТУРАЛАР, ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ТУРЛИ ҲИЛ МЕБЕЛЬ ЖАМЛАМАЛАРИ, ГИЛАМЛАР ВА БОШҚА КЎПЛАБ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ БОР.

ҲАЗИ ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ҒОЯТ КАТТА. ЎЗИНГИЗ ЧАМАЛАБ КЎРИНГ, ЛОТЕРЕЯ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР СУММАСИ ЧИҚАРИЛГАН СУММАНИНГ 70 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

"СОВҒА" лотереясининг билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, ҳамма алоқа бўлимларида, савдо корхоналарида ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилади.

БИЛЕТ БАҲОСИ — 10 СЎМ.
"СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1994 ЙИЛНИНГ 28-29 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

"СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ УЧУН АЖОЙИБ СОВҒАДИР!

"СОВҒА" лотереясини сотиб олсангиз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз мумкин. Сизни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва шунингдек бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.

ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ! ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Ўзингизни қизиқтирган батафсил маълумотларни эса Сиз "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан олишингиз, шунингдек 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари бўйича ҳам олишингиз мумкин.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ | МАРКАЗИЙ БАНК | ЖАМҒАРМА БАНКИ | "ЎЗБЕКСАВДО" "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90; Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35; Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. Г – 1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

топширилди—21.35. 1 2 3 4 5 6.